

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МДХ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам раис,
Хурматли давлат раҳбарлари!
Ҳамдустлик давлат раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлаш ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиришга ихозат бергайсиз.

Бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жакон иқтисодий-тибда инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдустликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани ҳақида гапиришнинг алоҳида зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, МДХнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, Ҳамдустлик доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ва унинг имконият ҳамда салоҳиятини баҳолаш, ушбу ташкилотнинг истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиз хусусида фикр билдиришимиз муҳим аҳамиятга эга.

МДХнинг, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот томонидан яратилган ҳуқуқий майдон ва ҳамкорлик воситаларининг, механизмларининг аҳамиятини оширмасдан, айни пайтда камситмасдан айтиш мумкинки, Ҳамдустлик унга аъзо бўлган ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Бундай дейиш учун барча асослар бор.

Ҳамдустлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифок ҳудудидида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

МДХ давлатларининг серкира ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, биз, авваламбор, МДХ маконидида зўравонлик ва муроасизлик ҳолатларини очик-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаолияти кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ҳамдустлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз.

Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафқураси нафақат бир мамлакат ёки минтақа доирасида кенг тарқалаётганини, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Айнан шу сабабли МДХга аъзо давлатлар ҳудудидида ҳар қандай

кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартафоз этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Бугунги саммитда жиноятчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Ҳамдустликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

Иккинчидан, Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охирига қадар чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Дунёдаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли — бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашадиган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокара-лар ўтказиш ва муроасага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш зарур, деган ҳулосага келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий амал қилади.

Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек, Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёни ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор бўлган қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши мумкин ва даркор.

Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Бу МДХ маконидида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимида салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантиришдир. Бу МДХ

ҳудудиди барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидандир.

Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга.

Биз Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси ва Ҳамдустликнинг бошқа мамлакатларидан миннатдор-миз. Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодий-тиб билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига ўзаро фойда ва манфаат келтиришига ишонаман.

Мухтарам ҳамкасблар!
МДХ истиқболи ва келажаги кўп жиҳатдан бизга, яъни Ҳамдустликка аъзо мамлакатларга ва, албатта, ҳеч бир муболага-сиз биринчи навбатда, Россия-га боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Собиқ иттифок ҳудудидидаги ҳар бир мамлакат учун Россиянинг улкан салоҳияти ва бозор имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, бу давлат билан йўлга қўйлаётган муносабатлар ва муҳими — умумий тарихимиз, қадриятларимиз, интилишларимиз ва керак бўлса, узоқ йиллар мобайнида биз биргаликда яшаган макон алоҳида аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Собиқ иттифок ҳудудидида Ҳамдустлик билан бир қаторда бошқа интеграция жараёнларининг ҳам ривожланаётгани МДХ фаолияти учун тўсиқ бўлаётгани йўқ.

Шу билан бирга, давлатлар-аро бирлашмаларнинг ҳар бири — МДХ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи бир-бирини тақрор-ламасдан ўз йўналиши бўйича фаолиятини йўлга қўйиши гоят муҳимдир. Бундай ҳолат эса келажақда юз бериши мумкин.

Хурматли ҳамкасблар!
Беларусь Республикасининг МДХга раислиги, бизнинг фикримизча, фаол ва амалий хусу-сиятга эга бўлди ва Ташкилот доирасида унга аъзо мамлакатларнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини илгари суришга ёрдам берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Украина билан навбатдаги даврда МДХга раислик қилиши билан табриқлаб, Украина Президенти Виктор Федорович Януковичга ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



Барча лойиҳа ва ташаббуслар партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади

●●● Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаати билан боғлиқ масалаларни ўрганишда маҳалла билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда, айниқса, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

2

Юксак эътибор ва фидокорона меҳнат натижаси

Муносабат

●●● Мамлакатимиз Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқонларимизни, фермерларимизни, бу юксак хирмонга ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизни қувонтириб, уларни янги ютуқларга руҳлантирмоқда.

Инсон қилган меҳнати эвазига яхши гап эшитса, меҳнати қадрланаётганини кўрса, кўнгли кўтарилди, боши ос-

монга етади, чарчоқларини унутади, янада гайрат билан ишлагиси келади. Юртбошимиз табригини ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Айниқса, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, белгиланган режани бажарган туманлар қаторида бизнинг Элликқалъа тумани номи келтирилганидан, туманимиз ютуғида фермер хўжалигимиз ҳиссаси борлигидан faxrlандим.

2

ВАКОЛАТДАН самарали фойдаланиш халқ ишончини оқлашнинг энг мақбул йўлидир

2

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқи олий қадрият эканлиги таъкидланган.

3

Руслан НУРИДДИНОВ дунёни лол қолдирди



4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш

ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради

www.uzbekistonovozi.uz

«Сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқ- содий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш- га ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чоралар- ни кўришга бутун диққат-эътиборини қарати- ши керак».

Кейинги сонларда

ЎзХДП Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига ўтган йилнинг 8 ойида 40 нафарга яқин киши мурожаат қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 60 дан ортиқ фуқаро томонидан турли масалаларнинг ечимини топишда ёрдам сўралган.

Бу ҳақдаги мақолани газетамизнинг кейинги сонларидан бирида ўқishingиз мумкин.

Барча лойиҳа ва ташаббуслар партия дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади

Маҳалла - аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



Энг муҳими,
партиямиз электро-
рати вакиллари
ўзларини ташвиш-
га солаётган са-
волларга бевосита
мутахассислар,
мутасадди ташки-
лотлар масъулларидан
жавоб олиш
имконига эга
бўлаяпти.

лик гуруҳимиз сессиялар му-
ҳокамасига қатор масалаларни
олиб чиқишга асос бўлиб
хизмат қилади.

— 2013-2014 ўқув йилида
шахримизда касб-ҳунар кол-
лежларини 37 минг нафарга
яқин ўқувчи тамомлайди, —
деди Тошкент шаҳар Мехнат
ва аҳолини ижтимоий муҳофа-
за қилиш бош бошқармаси
бошлиғи ўринбосари Дилдора
Муҳиддинова. — Шундан 26
минг нафарга яқини Тошкент
шаҳрида доимий истиқомат
қилувчи битирувчилардир.
Хозирда уларнинг бандлигини
таъминлаш мақсадида 26 минг
яқин бўш иш ўрни тайёрлаб
қўйилди. Шунингдек, шаҳарда
барча маҳаллалар қошида
бандлик бурчаклари ташкил
этилган. Бундан ташқари,
ЎзХДПдан Тошкент шаҳар Кен-
гашига сайланган депутатлар,
партия фаоллари, маҳалла
оқсоқоллари ва бандликка
қўмаклашувчи марказлари ҳам-
корлигида ҳудудларнинг банд-
лик ҳолати мониторинги олиб
борилмоқда. Урганиш нати-
жаларига кўра, вақтинча иш-

лар масъулларидан жавоб
олиш имконига эга бўлаяпти.
— Жорий йил давомида
лоийҳа доирасида ташкил
этилган тадбирларда 4500
нафардан ортиқ аҳоли ишти-
рок этди, — деди ЎзХДП Тош-
кент шаҳар кенгаши раиси
Укун Шойимкулов. — 83 на-
фар йилгит-қизга иш топиш-
да, 24 та ёш оилага имтиёз-
ли микрокредитлар олиб,
оилавий тадбиркорлигини
йўлга қўйишда депутатлари-
миз ва ижтимоий ҳамкорла-
римиз томонидан амалий
қўмак берилди. Энг муҳими,
мазкур тадбирларда электро-
ратни ташвишга солаётган
муаммолар жойида, яъни ма-
ҳаллаларини ўзида тегишли му-
тахассислар, мутасадди идо-
раларнинг вакиллари ишти-
рокида муҳокама этилаяпти. Бу
эса халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгашидаги депутат-

масалалар бўйича 549 та му-
рожаат тушган эди, — деди
ЎзХДП Марказий Кенгаши ра-
иси ўринбосари Шарбат
Абдуллаева. — Шундан 485
тасида кўтарилган масалалар
ҳамкор ташкилотларнинг бе-
восита кўмаги билан ўзининг
ижобий ечимини топган. Қол-
ган муурожаатлар бўйича
хукукий маслаҳатлар берил-
ди ва тушунтириш ишлари
олиб борилди. Умуман, ма-
зкур лойиҳа доирасида партия
ташкилотлари электротат бил-
лан янада мустаҳкам алоқа
ўрнатмоқда, маҳаллаларда
фаолият кўрсатаётган бош-
лангич ташкилотлар ишини та-
комиллаштиришга эътибор
қаратилмоқда.

Энг муҳими, партиямиз
электротати вакиллари ўзла-
рини ташвишга солаётган са-
волларга бевосита мутахас-
сислар, мутасадди ташкилот-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ваколатдан самарали фойдаланиш

халқ ишончини оқлашнинг энг мақбул йўлидир

Фарғона вилояти Учқўприк
тумани марказида Чорбоғ
қишлоғилик меҳнат фахрий-
си Ғанижон ота билан учра-
шиш қолдик. Хол-аҳвол сў-
рашдик.

— Депутатимиз Мунира-
хоннинг олдида келганимиз,
— деди отахон. — Барака
топсин, ёшман, аёлман, де-
майдим. Одамлар ташвиши-
ни елкага олиб, югуриб ела-
ди. Унинг ташаббуси ва тар-
ғиботи билан қишлоғимизда-
даги хонадонлар томорқаси-
да ҳосилдорлик ошди. Обо-
дончилик ва яна саранжом-
сарихталикка эътибор ку-
чади.

Мен саволга эндигина
оғиз жуфтлаган эдим, ота-
хон мийғида қулиб қўйди-
м, сўзида давом этди:

— Аввалига, бизга ҳам
эриш туолган эди. Биласиз,

Ўтган қарийб тўрт
йил мобайнида де-
путатимиз ташаббу-
си билан халқ депу-
татлари туман Кен-
гаши доимий ко-
миссияларида 13 та
масала кўриб чи-
қилди. Туман Кен-
гаши сессияси му-
ҳокамасига эса учта
масала киритилди.

Чорбоғда дехқончиликнинг
ҳадисини олганлар кўп. Ле-
кин ўз томорқамиз, дехқон
хўжалигимизга етарли эъти-
бор қаратмас эканмиз. Уруғ,
кўчат етиштириш, ерни ўғит-
лаш, унумдорлигини оши-
риш бепарворок эканмиз.
Мунираҳон қишлоқ хўжали-

ги идораси мутахассислари
билан бирга тарғибот иш-
ларини олиб борди. Ишнинг
қўзини билиб, меҳнат қилин-
са, томорқа оилага катта да-
ромат келтирадиган имко-
ният эканини тушунтирди,
таъминот, хизмат кўрсатиш
идораларини тинч қўймас-
дан, минерал ўғитлар ўз
вақтида етказиб берилиши-
га ёрдам қилди. Мана, энди
ҳосилни кўриб, кўзимиз
кувонапти.

ЎзХДП туман кенгашига
Ғанижон ота билан бирга
кирдик. Туман партия кен-
гаши Жамоатчилик қабулхо-
насида депутат Мунираҳон
Холмирова Бойтуман қиш-
лоғидан келган сайловчилар
ва туман ичимлик суви идо-
раси мутахассислари билан
қишлоқ аҳолисининг ичим-
лик суви таъминоти тизими-
ни янгилаш масаласини му-
ҳокама қилаётган экан.

— Масаланинг молиявий
томонидан ташвишланманг,
— деди Мунираҳон. — Мен
бу ҳақда вилоят сувоқова
бошқармасига депутатлик
сўрови билан муурожаат қил-
ган эдим. Улар сизнинг та-
шаббусингизни қўллаб-қув-
ватлашди. Яқин кунларда иш
бoshланади...

— Ғанижон ота вақтида
келдингиз, — деди Мунира-
хон бизга юзланиб. — Ўзи
қишлоққа аҳоли билан учра-
шиб, маслаҳатлашгани кета-
ётган эдим. Туман Кенгаши
сессияси қарорига, асосан,
қишлоқдаги ижтимоий аҳо-
лини биргаликда ўргана-
миз. Икки йўллар аҳоли ма-
саласи ҳам саволномага ки-
ритилган...

Мунираҳон Холмирова-
нинг касби муҳандис-педа-
гог. Иқтисодиёт коллежиде
ўқитувчи бўлиб ишлайди.
Ундаги ташкилотчилик, ме-
ҳнат тўғри таҳлил қилиб,
ечим топа олиш қобилияти-
ни қадрлаган партиядошла-
ри унинг номзодини халқ де-
путатлари туман Кенгаши
депутатлигига кўрсатган
эди. Сайловчилар эл ичида
обру ва ишонч қозongan Му-
нираҳонни ёқлаб овоз бер-
ди. Бу унга янада куч ва ғай-
рат бахш этди. Сайловчилар
қўйган ёки ўзи ташаббус

кўрсатиб кўтарган масала
бўладими, аввало, мутахас-
сислар, тажрибали кишилар
маслаҳатини олади, муаммо
нимадалигини атрафлича
ўрганади, кейин ечими
йўлларини танлайди.

Унинг ҳузурига Қурилиш
ва хизмат кўрсатиш касб-
хунар коллежининг битирув-
чилари Манзура Сайфулла-
ева, Намуна Имомова, Ас-
рор Маҳмудов каби бир
гуруҳ ёшлар келишди. Улар
ўз мустақил ишини бошлаш
ниятиде эканликларини бил-
дирди. Депутат уларнинг ҳар
бири билан алоҳида-алоҳи-
да суҳбатлашди. Қизиқиш-
ларини ўрганиб ва касб-
хунар коллежлари битирув-
чиларининг бизнес-режалар-
ини молиявий қўллаб-қув-
ватлаш бўйича тижорат
банклари имтиёзли микро-
кредитлар ажратилишини ту-
шунтирди. Бизнес-лойиҳани
тайёрлаш, кредит олиш учун
хужжатларни тўпловда
ёрдам берди. Хозирда бу
ёшлар ўз бизнесини ривож-
лантириш билан машғул.
Аброр Дехқонов эса де-
путат кўмағида дурадгорлик
устахонасини очди ва ёнига
уч нафар шогирд олиб, иш
бoshлади.

Халқ депутатлари Учқўприк
туман Кенгашининг яқинда
бўлиб ўтган сессиясида
Мунираҳон Холмировава та-
шаббуси билан Қўштепа ва
Меҳнатобод қишлоқларида
ижтимоий-маиший аҳолини
янада яхшилашга қаратилган
масала муҳокама этилиб,
унинг ечимини бўйича ЎзХДП
депутатлик гуруҳи тақлиф
этган муқобил қарор лойи-
ҳаси қабул қилинди. Мазкур
қарор ижросини таъминлаш-
га қаратилган чора-тадбир-
лар натижасида вақтинча
ишсиз бўлган 8 нафар аёл
тикув машинаси билан таъ-
минланди, қишлоқ ички
йўлларини асфальтлаш ма-
саласи тумани ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш
бўйича 2014 йил дастурига
киритилди. Меҳнатобод
қишлоқ фуқаролар йиғини
ҳудудда туман тез тиббий
ёрдам бўлимининг шахобча-
си ташкил этилиб, унга их-
тисослашган «Дамас» авто-

машинаси ажра-
тиладиган бўлди.

— Мен шу йил-
нинг ўзида тур-
ли ташкилот ва
идораларга сай-
ловчилар манфа-
атлари билан
боғлиқ 12 та де-
путатлик сўрови
бўлдим, —
дейди Мунира-
хон Холмирова-
ва. — Уларнинг
барчасида кўта-
рилган масала-
лар ижобий ҳал
бўлди.

Депутатнинг
халқ депутатлари
туман Кенгаши-
да регламент
билан белгилан-
ган қабул қула-
ри ва соати бор.
Бундан ташқари,
у ЎзХДП туман
кенгаши Жамоатчи-
лик қабулхонасида ҳам фуқаро-
ларни қабул қилади.

— Сайловчилар ишончини
оқлаш, манфаатини ҳимоя
қилиш, ўз партияси Сайло-
вчи дастури ижросини таъ-
минлашга қаратилган та-
шаббуслар билан чиқиш де-
путатнинг асосий вазифаси-
дир, — дейди у. — Биз ту-
ман партия кенгаши билан
биргаликда қишлоқларда,
таълим муассасалари, меҳ-
нат жамоаларида мунтазам
равишда Кўнча жамоатчили-
к қабулхоналари ташкил эта-
миз. Қабул қуни, вақти ав-
валдан эълон қилинганидан
ми, ҳар гал ўнлаб фуқаро-
лар бизга ишониб, кўнгли-
ни очди. Улар кўтарилган
масалаларни ҳал этиш учун
депутатлик ваколатидан
фойдаланиб, тегишли идо-
раларга сўров юбораман,
доимий комиссия мажлисла-
рига тегишли ташкилотлар
раҳбарларини тақлиф этиб,
сайловчилар ўртага қўйган
саволларга жавоб оламиз.

Ўтган қарийб тўрт йил мо-
байнида депутатимиз та-
шаббуси билан халқ депу-
татлари туман Кенгаши до-
имий комиссияларида 13 та
масала кўриб чиқилди. Ту-
ман Кенгаши сессияси му-
ҳокамасига эса учта масала

сиз кишиларнинг бандлигини
таъминлаш, касб бўйича қайта
тайёрлаш чоралари кўрилая-
пти.

— Халқ демократик партия-
си билан ҳамкорлик нафақат
кишиларни ўйлантираётган
саволларга малакали жавоб
қайтариш, балки банк соҳаси
қонунчилиги, унга киритилаёт-
ган ўзгаришларни кенг тар-
ғиб этишда ҳам катта имко-
ният яратмоқда, — деди Мар-
казий банк Тошкент шаҳар
бош бошқармаси масъул хо-
дими Умаржон Насриддинов.
— Оилавий тадбиркорлик бил-
лан шуғулланиш истагида
бўлган киши кўпроқ хукукий
маслаҳатга эҳтиёж сезади. Шу
боис уларга тадбиркор сифа-
тида рўйхатдан ўтишининг
хукукий асослари, солиқ им-
тиёзлари, бизнес-режа тузиш
тартиб-қоидалари тўғрисида
батафсил тушунчалар бериб
борилмоқда. Бугунги тадбир-
да ҳам бу ҳақда маълумот бе-
рилди.

Давра суҳбатида, шунинг-
дек, янги таҳрирда қабул
қилинган «Фуқароларнинг
ўзини-ўзи бошқариш орган-
лари тўғрисида»ги ҳамда «Фу-
қаролар йиғини раиси (оқсо-
қоли) ва унинг маслаҳатчили-
ри сайлови тўғрисида»ги
қонунлар мазмун-моҳияти,
мазкур қонунлар бераётган
янги имкониятлар тўғрисида
ҳам фикр алмашилди.

Тадбир якунида бир гуруҳ
ёшларга ЎзХДПга аъзолик гу-
воҳномалари топширилди.
Мирзо Улуғбек туманидаги
«Камол Шухрат» МЧЖ ди-
ректори Шухрат Фаттохов эса
101- болалар махсус мактаб-
интернатига ҳомийлик совға-
ларини тақдим этди.

Басандобону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Юксак эътибор ва фидокорона меҳнат натижаси

Муносбат

Хўжалигимиз 2002 йили
чўл зонасида тақшил этил-
ган. Бизнинг шароитда деҳ-
қончиликда юқори ҳосил
олиш имкони бошқа ҳудуд-
ларга нисбатан камлигига
қарамай, белни маҳкам боғ-
лаб, астойдил меҳнат қил-
дик. Шунга яраша ҳосил
кўтардик.

Биз чўл ҳудудиде пахта
етиштираётганимиз, дала-
ларимизга насос орқали
сув чиқарилишига қарамай,
биринчи теримдаёқ 25
центнердан ошириб ҳосил
олдик. Даламизда ҳали
пахта бор, 30 центнерлик
маррани кўлаб турибмиз.

Авалло, шуни айтмоқчи-
манки, бугунги мўл ҳосил
мамлакатимизда фермер
хўжаликлари ривожлан-
тиришга юксак эътибор
қаратилаётгани, фермерлар
қўллаб-қувватланаётгани
ва, албатта, деҳқонлари-
мизнинг фидокорона меҳ-
нати туфайли етиштирилди.

Президентимиз 90-йил-
ларда юртимизда етишти-
рилган жами пахта толаси-
нинг атиги 7 фоизи ўзимиз-
да қайта ишлангани, бу ра-
қам ўтган давр мобайнида
6 баробар ортиб, хозирда
40 фоизни ташкил этаётга-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

САЙЛОВ

Юксак савияда ўтади

Чирчиқ шаҳрида
Ўзбекистон Респу-
бикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг
фуқаролар йиғинлари
раислари (оқсоқолла-
ри) ва уларнинг мас-
лаҳатчилари сайлови-
ни ташкил этиш ҳамда
ўтказишга қўмакла-
шувчи Тошкент вилоят
комиссияси томони-
дан семинар-йиғилиш
ўтказилди.

Халқ депутатлари Тош-
кент вилояти, шаҳар ва ту-
ман кенгашларининг фуқа-
ролар йиғинлари раислари
(оқсоқоллари) ва уларнинг
маслаҳатчилари сайловини
ўтказишга қўмаклашувчи
комиссиялари, ишчи гуруҳ-
лари, фуқаролар йиғинла-
ридаги ишчи гуруҳлари ра-
ислари, ташкилий-назорат
гуруҳлари раҳбарлари,
«Маҳалла» хайрия жамоат
фонди шаҳар, туман бўли-
малари раҳбарлари ишти-
рок этган тадбирда сай-

ловга тайёргарлик бўйича
амалга оширилаётган иш-
лар, унда эътибор қари-
лиши лозим бўлган маса-
лалар хусусида сўз юри-
тилди.

Йиғилишда вилоятдаги
ўзини ўзи бошқариш
органларида сайловни
юқори савияда ташкил
этиш ва ўтказиш бўйича
зарур чора-тадбирлар
амалга оширилаётгани таъ-
кидланди. Бўлажак сайло-
ва вилоятда 1157 нафар
фуқаролар йиғини раиси
(оқсоқоли) ва уларнинг 11
минг нафардан ортиқ мас-
лаҳатчиси сайланади. Бу
вазифаларга обрўли, ҳар
томонлама муносиб ном-
зодлар кўрсатилишини
таъминлаш бўйича иш олиб
борилмоқда.

Тадбирда сайловнинг
ташкилий-хукукий асосла-
ри, сайловни ташкил этиш
ҳамда ўтказишга қўмакла-
шувчи комиссия ва ишчи
гуруҳларнинг асосий вазифа-
лари, муносиб номзод-
лар кўрсатишнинг аҳамия-
ти ҳамда сайловни ўтказиш
тартибига бағишланган
маърузалар тингланди.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Янги корхона иш бошлади

Ўн нафар ёш
барқарор иш ўрнига
эга бўлди.

Денов туманида жорий
йилда 6 мингта яқин янги иш
ўрни яратиш белгиланган
бўлса, хозиргача эса 4 минг-
дан зиёд кишининг бандли-
ги таъминланди. Уларнинг
асосий қисмини ёшлар, кол-
леж битирувчилари ва хотин-
қизлар ташкил қилади. Йил
охиригача яна 30 га яқин
ишлаб чиқариш корхонаси
фойдаланишга топширили-
ши режалаштирилган.

Яқинда иш бошлаган
«Жамолиддин-Жаҳонгир
пласт» хусусий корхонаси-

да 10 турга яқин полисте-
лен плёнка ишлаб чиқариш
моқда. Маҳаллий хомашё-
дан тайёрланаётган махсу-
лотлар сифати юқорилиги
харидорлар томонидан
эътироф этилмоқда.

— Барча ускуна ва линия-
лар чет элдан келтирилган,
— дейди корхона иш бош-
қарувчиси Фахриддин
Дадабоев. — Икки рангда-
ги махсулот тайёрланмоқ-
да, йил охиригача яна тўрт
рангда плёнка ишлаб чиқа-
риш йўлга қўйилади. Хозир
бу ерда 10 нафар ёш меҳ-
нат қилмоқда, 15 та янги иш
ўрни яратилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

Асосий қонунимизда инсон ҳуқуқи олий қадрият эканлиги таъкидланган. Ушбу меъёр миллий қонунчилигимиз руҳига ҳам сингдирилди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини бевожита ҳимоя қилувчи ўнлаб давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиги Лазизжон Маҳмудов билан суҳбат инсон ҳуқуқи ҳимояси борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар хусусида бўлди.

— Ўзбекистон Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бош қомусимиз асосида қонунчилигимизнинг изчил тақомиллаштириб борилиши, инсон ҳуқуқлари ҳимояси тўла таъминланишига, унинг манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратиш бермоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жиноят қонунчилигимизни ислоҳ қилиш бўйича катта қадамлар ташланди. Хусусан, жиноятлар таснифи қайта кўриб чиқилди. Оғир ва ўта оғир жиноятларнинг 75 фоизга яқини жамият учун ҳавф туғдирмайдиган, унча оғир бўлмаган жиноятлар таркибига ўзгартирилди. 26 та жиноят таркиби бўйича озоликлдан маҳрум қилиш тарзидаги ҳазо чоралари олиб ташланди. Бағрикенглик ва чечиримли бўлиш каби миллий аъналаримиз инобатга олинди, 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий қилинди. 2008 йилдан «Хабас корпус» институти жорий қилинди. Эҳтиёт чораси сифатида қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди. Ҳар қандай жиноят учун ўлим жазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озоликлдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Жазонинг мазкур тури эса аёлларга, 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

ларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги қарори билан Адлия вазирлиги зиммасига Конституция, қонунлар ва халқаро шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминлаш соҳасида бир қатор вазифалар юклатилди. Улар ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан доимий равишда тахлилий ишлар, ўрганишлар ҳамда мониторинглар олиб боришмоқда. Масалан, 2011 йилдан бошлаб жорий йилнинг олти ойи давомида вазирлик томонидан ёлғиз кесалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоясига, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва пенсия таъминотида оид қонунчиликка риоя этилиши аҳоли тахлил қилинди. Шу билан бирга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази ва уларнинг ҳудудий тузилмаларида «Фуқароларнинг муҳофазатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши аҳоли ўрганилиб, 53 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланди. 143 нафар қишига нисбатан интизомий чоралар қўрилди, 15 киши маъмурий жавобгарликка тортилди ва 18 киши эгаллаб турган лавозимидан озоликлдан озод этилди.

2013 йилнинг 9 ойи давомида вазирлик томонидан инсон ҳуқуқлари йўналишида 2151 та шикоят кўриб чиқилди. Шундан 949 таси қаноатлантирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бар-тароф қилиш тўғрисида 698 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун 909 нафар шахсга нисбатан интизомий чоралар қўрилди, 44 таси лавозимидан озоликлдан озод этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш масаласида 362 та оғоҳнома, 254 та қўрсатмалар киритилди. 205 та айбдор шахс

маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқаролар манфаатларини қўлаб-қўллашга 2 млрд. сўмдан ошиб 1 942 та даъво ариза киритилиб, шундан 1 млрд. сўмдан кўпроқ 1 887 та даъво судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

2013 йилнинг 9 ойи давомида вазирлик томонидан инсон ҳуқуқлари йўналишида 2151 та шикоят кўриб чиқилди. Шундан 949 таси қаноатлантирилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бар-тароф қилиш тўғрисида 698 та тақдимнома киритилди.

— Келиб тушаётган мурожаатлар асосан қайси масалалар хусусида бўлмоқда? Муаммоларни бар-тароф қилиш учун қандай чора-тадбирлар қўйилмоқда?

— Вазирлик томонидан доимий равишда амалга ошириб келинаётган тахлилий мурожаатларнинг 19,1 фоизи пенсия ва нафақа, 17,1 фоизи меҳнат ва ижтимоий муҳофаза, 12,3 фоизи суд қарорлари, 9,1 фоизи уй-жой, 3,7 фоизи банк фаолияти, 2,6 фоизи ер ажратиш, 1,3 фоизи коммунал тўловлар, 4 фоизи табиий газ, электр энергия, сув таъминоти ҳамда 29 фоизи бошқа масалаларда эканлигини қўрсатмоқда.

Бу эса ўз-ўзидан мазкур соҳаларда муайян муаммолар мавжудлигини кўрсатиб, соҳа вакилларида фаолиятларини янада тақомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларига эътиборни қўйиштириш, юридик хизмат фаолиятини яхшилашни талаб қилади. Чунки, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳар қандай эътиборсизлик фуқаро ҳуқуқларининг бузилишига, қонунчиликка зид қарорларнинг қабул қилинишига олиб келади. Биргина 2013 йилнинг 9 ойи давомида адлия органлари томонидан қонунчиликка зид бўлган 106 та ҳужжат бекор қилинганлиги ёки ижроси тўхтатилганлиги қорхона, муассаса ва ташкилотларда қонунларни яхши билмаслик ёки юридик хизмат фао-

лиятдан самарали даражада фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

— Маълумки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аҳоли ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорлик бу борада муҳим аҳамиятга эга...

— Рост, инсон ҳуқуқининг тўла таъминланиши, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига ҳам боғлиқ. Шу боис ушбу масалага мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тўғрисидаги қарорида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини тақомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Юртбошимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида»ги Фармонида аҳоли қатламларида — бочадан тортиб то олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига ҳуқуқий билимларни ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Вазирлик жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда.

Шунингдек, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш, ҳуқуқий тарғибот бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш вазифаси ҳам вазирлик зиммасига юклатилган.

Буларнинг барчаси Бош қомусимизда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, инсонга муносиб яшаш учун тўлақонли шарт-шароит яратиш беришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Равшан ШОДИЕВ
суҳбатлашди.



Безгакка қарши вакцина



2015 йилдан сотув-га чиқарилади

Буюк Британиянинг «Glaxo-SmithKline» фармацевтика компанияси дунёда илк бор безгакка қарши вакцина яратди. «BBC» хабар беришича, «RTS-S» деб номланган бу вакцина айти пайтда Африканинг 7 та мамлакатда клиник синовдан ўтказилмоқда. Унда 5 ойдан 1,5 ёшгача бўлган болалар иштирок этмоқда.

Олимларнинг айтишларича, бир ярим йилги синовлар натижалари ўз самарасини бера бошлади. 5 ойдан 1,5 ёшгача бўлган болалар орасида безгакка чалиниш 46 фоизга, 6 ҳафталикдан 12 ҳафталиккача бўлган болалар орасида эса бу кўрсаткич 27 фоизга қамрабди.

Бу борадаги ҳисоботлар Жанубий Африканинг Дурбан шаҳрида ўтказилган тиббиётчиларнинг йиллик конференциясида оммага эълон қилинди.

Маълумки, безгак чивинлар қашиш орқали тарқалади. Айрим маълумотларга қараганда, 2010 йили дунё синовдан ўтказилмоқда. Унда 5 ойдан 1,5 ёшгача бўлган болалар иштирок этмоқда.

Иқтисодий тежамкор



ва экологик тоза транспорт воситаси

Япониянинг «Toyota» автоконцерни 2011 йилда водород ёнилғисига ҳаракатланувчи мазкур автомобиль двигатели 136 та от қучига эга бўлиб, босим остида сиқилган водород 5 кило оғирликка тенг бўлади. Бу эса 500 километр масофани босиб ўтишга бемалол етади. Ёнилғиси бўшаган баллонни алмаштиришга эса 3 дақиқа вақт етарлидир.

Мазкур янги автомобиль 2020 йилдан оммавий ишлаб чиқарилади. Унинг баҳоси 50 минг доллар атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда. Энг асосийси, у экологик тоза транспорт воситаси ҳисобланади.

«Turkistan realtor group»

масъулияти чекланган жамияти
бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориши тартибида ўтказиладиган
очик аукцион савдосига тақлиф этади

Савдога Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг 2013 йил 14 октябрдаги 166-П, 167-П ва 168-П-сонли буйруқларига асосан, қуйидаги давлат объектлари қўйилмоқда:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани, «Қунак Тўртқўл» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3000 м² га, қурилиш ости майдони 941 м² дан иборат Тўртқўл тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси — 516 127 400 сўм бўлган «Бойчечак» болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани, «Шўрохон» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 5200 м² га, қурилиш ости майдони 1190 м² дан иборат Тўртқўл тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси — 717 035 400 сўм бўлган 17-сонли болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл тумани, «Ябашкала» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 2,0 га, қурилиш ости майдони 1466 м² дан иборат Тўртқўл тумани ҳокимиятига тегишли, бошланғич баҳоси — 326 220 300 сўм бўлган «Узсувқурилиш» уюшмаси томонидан тугатилган асфальт заводи.

Аукцион савдоси 2013 йил 28 ноябрь кўни соат 11.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темури кўчаси, 112-А ўйда, Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Юридаги мулклар мазкур аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг тақририй савдолари 2013 йил 13 ва 30 декабрь, 2014 йил 15 январь кўнлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома топиришлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидида талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги гаров пулини савдо ташкилотчиси, «Turkistan realtor group» МЧЖ ОАЖнинг «Аска-банк Қорақалпоғистон филиали»даги МФО 00625, СТИР 302148414, 20208000904946163001 ҳисоб рақамига тўлайди. Гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Аризалар қабул қилиниши мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб савдо ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18.00 гача ҳар кун (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темури кўчаси, 122-ўй, 1-хонада қабул қилинади.

Аукцион аяқлари савдо тугаши билан савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо ғолиби билан 20 кун ичида олди-сотди шартномаси имзоланади.

Қўшимча маълумотлар учун расмий сайтимиз: www.turkistanrgr.uz; телефон: (8-361) 222-00-80. Лицензия: RR-0100.

«Андижонэлектрон-аппарат» очик акциядорлик жамияти томонидан янги лойиҳа асосида 100 ва 300 киловатт қувватли локал сув иссиқлик қозонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Андижонда иситиш қозонлари

ишлаб
чиқарилмоқда

Бундай маҳсулот кўп қаватли уйлар хонадонларини иситишга мўлжалланган бўлиб, дастлаб тажриба синов учун ишлаб чиқарилган 85 киловатт қувватга эга ана шундай қозонлар Хонобод шаҳридаги кўп қаватли уйларга ўрнатилган ва синовдан муваффақиятли ўтган эди.

— Маҳсулотларимиз хорижийликка қараганда анча арзон бўлиши билан бирга мукамаллиги жиҳатидан ҳам қолшмайди, — дейди жамият директори Бойназар Йўлдошев. — Айни пайтда бюртмачиларнинг хоҳиш-истаклари асосида қозонлар конструкциясига ўзгартиш ҳам киритиш мумкин.

Аҳолига солиев,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Эл-юрт таянчи

бўла олиш — улуг бахт ва шараф!

Қашқадарё соҳилидаги бу тарихий шаҳар йил сайин обод бўлиб, чирой очиб, яшнаб-яшариб борапти. Вилоятга келган меҳмон борки, Қаршини кўрмай, унинг кўрки-чиройидан баҳра олмай кетмайди.

Сессиядан кейинги ўйлар

Бугунги Қарши — боғу бўстонга, гулзорларга айланган бир чаман. Шаҳар марказидаги майдон сайёҳлар, сайлага чиққанлар, гул кўтарган ёшлар, келин-куёвлар билан ҳамиша гавжум...

Улар Президентимиз ташаббуси, лойиҳаси асосида бунёд этилган «Эл-юрт таянчи» монументи олдида узоқ туриб қолишади. Мен ҳам ҳаёт синовларини кўрган ота-она, мустақил ҳаётга тайёр турган навқирин йигит-қиз тасвирланган ҳайкалга боқар эканман, ўзим яхши билган бир оиланинг бахтли кўнини эсладим...

Бектемир — Китеб туманидаги катта қишлоқлардан бири. Фуқаролик кенгаши ҳам шу ном билан аталади. Одамлари аҳил, тўй-маъракада бирдек оёққа туриб, меҳмон қутади. Шу қишлоқда яшайдиган узоқроқ қариндошимиз, ёши етмишдан ошган Маҳид ака Қодиров кенжа ўғлини уйлантирди. Давранинг улуғи — тўй эгасининг адаши, устози, амаки

— Кўнглимиздаги гапни айтдингиз, — деди ўриш қишлоғилик Абдирасул Ҳамроев. — Атрофдагилар қўллаб-қувватламаса, бир кишининг қўлидан нима ҳам келарди. Аҳилликда гап кўп. Юртбошимиз виллоятимизга шунчалик меҳр кўрсатиб турганда биз жонимизни аямая меҳнат қилишимиз керак. Қани, янги раҳбар нима қиларкин, деб кутиб ўтирмай, ўзимиз ҳам ҳаракатда бўлишимиз лозим...

Эл-юрт тақдирига дахлдор воқеалар дарҳол овоза бўлади, одамларини бирлаштиради. Халқ депутатлари Қашқадарё виллоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари билдирган фикрлар, яхши ниятлар узоқ-узоқ қишлоқларга тарқалиб кетди. Икки киши бир бўлган жойда Президентимиз айтган гаплар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

— Одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг бошини бирлаштириб, яхши ишларга сафарбар қилиш ўрнига буйруқбозлик орқали раҳбарлик қилиш ҳеч қачон керакли натижани бермаган, — дейди «Нуроний» жамғармаси виллоят бўлими раиси, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Январ Иноятлов. — Мен сессияда сўзга чиқиб, айрим тарихий воқеаларга тўхталганим, мисоллар келтирганим бекорга эмас. Виллоят ёки туман раҳбари бўладими бу ибратни ҳамиша қалбиди сақласа, элнинг олқишини олади.

— Муаммоларни ечишдан қочиш керак эмас, — дейди Чироқчи туман

Руслан НУРИДДИНОВ дунёни лол қолдирди

● ● ● Вроцлав (Польша)да оғир атлетика бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин, битта кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

Иқтидорли спортчимиз Улуғбек Алимов (77 кг) силтаб кўтаришда кумуш, иккикураш баҳслари якуни бўйича бронза медали билан тақдирланганини аввал хабар қилгандик.

Мусобақаларнинг охириги кунги беллашувлари ҳамюртларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Иқтидорли спортчимиз, Осиё ва Бутунжаҳон универсиадаси чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Руслан Нуриддинов (105 кг) даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235, иккикураш якунига кўра, 425 килограмм натижани қайд этиб, учта (!) олтин медалга сазовор бўлди.

— Бу чинакам тарихий ғалаба, — дейди Ўзбекистон оғир

атлетика федерацияси биринчи вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов. — Шу пайтгача бурорта оғир атлетикачимиз жаҳон чемпионати олтин медалини қўлга киритмаган эди. Руслан эришган бу ютуқни, аввало, мамлакатимизда охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга берилган юксак эътибор самараси, деб биламан.

Руслан Нуриддинов, Улуғбек Алимов каби иқтидорли спортчиларни излаб топиш ва тарбиялашда тажрибали мураббийларнинг ҳам катта ҳиссаси бор, албатта. Биз 2016 йилда Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия

ўйинларига тайёргарлик бўйича дастур ишлаб чиққанмиз. Мақсадимиз — олимпиядада ғолиб ҳамда совриндорлар қаторидан ўрин олиш.

Руслан Нуриддинов учун 2013 йил чин маънода улкан муваффақиятлар йили бўлди, десак муболага бўлмайди. У дастлаб май ойида ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медал билан тақдирланди. Сўнгра, июлда Қозон (Россия)да бўлиб ўтган Бутунжаҳон ёзги универсиадасида шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

— Лондон олимпиадаси мен учун катта сабоқ бўлди, — деган эди йигирма бир ёшли спортчимиз жаҳон чемпиона-

тига сафари олдида бизга берган интервьюсида. — Ер кўрасининг энг нуфузли мусобақасида қатнашишнинг ўзи бир шараф, аммо медалсиз қолиш спортчи учун барибир алам қилади.

Бундан буён катта майдонга чиқиб, хато қилишга ҳақим йўқ! Бош мақсадим — 2016 йили Бразилияда бўладиган ёзги Олимпия ўйинларида ғолиб чиқиш. Биламан, бу осон иш эмас. Агар ихтиёримдаги вақт ва имкониятдан тўғри фойдалансам, тайёргарлик жараёнларини тўғри йўлга қўйиб, қўлга ҳамда жаҳон чемпионатларида ўзимни кўрсата олсам, албатта, ўз орзумга эришаман, деб ўйлайман. Менимча, бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Мамлакатимизда биз спортчилар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар, малакали мураббийларнинг зарур кўрсатмалари келгусидаги ғалабаларим учун замин бўлади.

Жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов ва унинг устозларини, барча мухлисларни бу юксак ғалаба билан қутлаймиз!

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Бокс



Битта кумуш, битта бронза

● ● ● Алматиди ўтказилган XVII жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Жасурбек Латипов (52 кг) кумуш, Ойбек Мамазулов (81 кг) бронза медалига сазовор бўлди.

2011 йилда Бокуда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз иккита бронза медалини қўлга киритганди. Айтиш мумкин, бу борада ўсиш кузатилди.

Терма жамоамиз ушбу мусобақага асосан ёшлардан иборат таркиб билан боргани алоҳида аҳамиятга эга. Гарчи уларнинг барчаси совриндор бўлмаган эсада, орттирилган тажриба келгуси мусобақаларда асқотиши аниқ. Бизни олдинда Рио-ди-Жанейро олимпиадаси кутаяпти. Бугун жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этган боксчиларимиз Бразилияга янада кучга тўлган ҳолда боришларига ишонамиз.

Жасурбек Латипов Қозогистонга йўл олган таркибда энг тажрибали боксчи эди. Шу боис ҳам кўпчилик айнан шу спортчимиздан юқори натижа кутди. Ў ўзига билдирилган ишончини оқлади. 2011 йилда бронза медалга соҳиби бўлган Жасурбек финалга қадар етиб келди ва россиялик Миша Алоянга очколардаги кичик фарқ билан ютқазиб қўйди.

— Жасурбек Латипов жиддий рақиб эканлигини олдиндан билардик, — дейди Миша Алояннинг мураббийи Эдуард Кравцов. — Жасурбекнинг жанг олиб бориш услуби ўзига хос бўлиб, бу услуб рақибларига жиддий муаммолар туғдиради. Унинг қўллари жуда тез ҳаракатланади. Биз Латиповнинг айнан шу жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда жангга тайёрландик.

Яна бир ёш ва умидли боксчимиз Ойбек Мамазуловнинг бронза медалини қўлга киритди.

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ

Одам савдосига

бутунлай барҳам бериш зарур

● ● ● Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади. Мазкур меъёрларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши учун мамлакатимизда кенг қўлланма ишлар амалга оширилаётди.

Бу жараёнда жамият тарқиёти ва қўллаб-даватлаш ривожига жиддий хавф туғдираётган трансмиллий жиноятчилик — одам савдосига қарши курашиш алоҳида эътиборда. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Пойтахтимизда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Истикбол-ли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли идоралар

масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталарининг раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Оналик ва болаликни, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ҳуқуқ-манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар бераётган юксак самаралар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини ошириш, уларга қўлай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизда ташкил этилган 833,4 мингта янги иш ўринларининг салмоқли



қисмида хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

Бу борадаги лойиҳаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётди. Хусусан, касб-хунар ўргатишга ихтисослашган ўқув марказларида ўн минг нафардан ортиқ қизнинг бепул хунар эгаллашига қўмақлашилди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси БМТнинг тегишли тузилмаси билан ҳамкорликда жорий йилда минг нафардан ортиқ қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимизда ташкил этилган 833,4 мингта янги иш ўринларининг салмоқли

қисмида хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

рига микрокредитлар ажратишда қўмақлашди. Германиянинг Халқаро ҳамкорлик жамғармаси билан ҳамкорликда 13 ҳудудда маслаҳат гуруҳи ташкил этилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни турли хавф-хатарлардан, хусусан, одам савдосидан оғоҳ этиш борасида тизимли тушултириш ишлари олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 156,5 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари уюштирилди.


Бирок бу турдаги жиноятлар ҳали тўла барҳам топгани йўқ. 2013 йилнинг ўтган даврида тегишли идораларга одам савдосидан жабр кўрган уч юз нафарга яқин хотин-қиз мурожаат қилгани бунинг тасдиғидир. Мурожаатлар бўйича қўрилган чора-тадбирлар туфайли айбдорлар аниқланиб, зарур чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, одам савдосидан жабр кўраётган фуқароларга тегишли реабилитация марказларида ёрдам кўрсатишмоқда.

Тадбирда одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларга бутунлай барҳам бериш, ушбу мақсадга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш масалалари муҳокама этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чикди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Теннис



Фаррух Дўстов — халқаро турнир ғолиби

Жамюртимиз Фаррух Дўстов Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимида кувричи «Челленджер» туркумидаги халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида бош совринни қўлга киритди.

Россиянинг Қозон шаҳрида ўтган нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакат теннисчилари ғолиблик учун куч синаяпти. Жуфтлик баҳсларида Фаррух Дўстов молдо-

валик Радуга Албот билан бирга мезбон теннисчилар Ричард Музаев ва Владимир Поляковни 6:4, 7:6, нидерландиялик Антал Ван дер Дуйм ва Бой Вестерхофни 3:6, 6:4, 10:6, қозогистонлик Андрей Голубев ва украиналик Александр Недовесовни 6:3, 6:4 ҳисобидеда мағлубиятга учратиб, хал қилувчи баҳсда Беларус вакиллари Егор Герасимов ва Дмитрий Жирмон устидан 6:2, 7:6, 10:7 ҳисобиде зафар қучди ва бош совринни қўлга киритди.

Зохир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Муносиб иштирок этди

● ● ● Кеча Бирлашган Араб Амирликларида ўсмирлар (U-17) ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати нимчорак финал учрашувлари бошланди.



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гондураслик тенгқурларига қарши майдонга тушди. Биринчи тайм

ўрталарида терма жамоамиз аъзоларидан бири майдондан чиқариб юборилиши бизга қимматга тушди. 74-дақиқада рақибларимиз ҳисобни очди. Футболчиларимиз ўйин охиригача матонат кўрсатиб ҳаракат қилишса-да, ҳисоб ўзгармай қолди.

Италия — Мексика — 0:2, Япония — Швеция — 1:2, Бразилия — Россия — 3:1.

Бугун нимчорак финалдан жой олган яна тўрт учрашув бўлиб ўтади: Уругвай — Словакия, Марокаш — Кот-д'Ивуар, Аргентина — Тунис, Нигерия — Эрон.

Ёшлар тарбияси ва глобал тармоқ

● ● ● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида интернетнинг имкониятлари ва таълим тараққиётидаги ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўлланма ишлар жараёнида

ёшларга пухта билим беришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жадал жорий этил-

моқда. Мультимедиа воситалари, ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг электрон вариантларини яратиш ишларининг кенг йўлга қўйилгани, билим муассасалари «ZiyoNET» тармоғига улангани ўқув-тарбия жараёнларини бугунги тезкор тараққиёт, миллий ва умумбашарий тафаккур ютуқлари билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда ёшларнинг глобал тармоқдан, ундаги манбалардан оқилона фойдаланишга оид қўнқимаси-

ни тўғри шакллантириш, онгу шуурини миллий ҳаёт тарзими, менталитетимиз, маънавий қарашларимизга эйд ва бегона таъсирлардан ишончли тарзда ҳимоялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатидида олий таълим масканлари расмий веб-сайтларининг бугунги ҳолати, уларнинг мазмуни, дизайнини тезкор давр талабига мос тарзда бойитиб, янада такомиллаштириш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Iqtisodiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vakolparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kutilib — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10422
nuxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 01.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sohifon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 5